ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

# O‘zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

**№71 (1024)**
2026 йил 18 август, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

**Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи давомида кўплаб янги лойиҳалар қатори Хива шаҳрида янги барпо этилган Конгресс-холл, уч юлдузли меҳмонхона ҳамда “Хива Ичан қалъа” қабуллар уйи фаолияти билан танишди.**

Мазкур объектларнинг ишга туширилиши натижасида қарийб 2 мингта янги иш ўрни яратиш, йилига 50 минг нафар сайёҳга меҳмонхона хизмати кўрсатиш ва хизматлар экспортини 4 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.



# Тадбиркори қадрланган юрт обод бўлади!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 августдаги “Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз тараққиёти ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётган, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ тадбиркорлар давлатимизнинг юксак фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотландилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 августдаги Фармойишига мувофиқ, бир гуруҳ ишбилармон тадбиркорлар “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди.











Мукофотланганлар қаторида қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган юртдошларимизнинг борлиги қувонарли, албатта. Газетамизнинг ушбу сонида ана шундай юксак мукофотлар соҳибларидан айримларининг фаолияти, фикрлари, режа ва мақсадлари билан танишасиз.

Шунингдек, кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташриф буюриб, ҳудудда саноат, таълим, транспорт, туризм ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган янги лойиҳалар ҳамда яратилган инфратузилма билан танишди.

Ташриф доирасида бугун Хоразм вилоятида Давлат раҳбари анъанага кўра, “Тадбиркорлар куни” арафасида юртимизнинг бир қатор фаол тадбиркорлари билан навбатдаги очиқ мулоқот ўтказади.

# Қурилишда сифат ва хавфсизлик – биринчи ўринда



Маълумки, арматура ва темир-бетон конструкциялари иншоотларнинг асосий юк кўтарувчи устунлари ҳисобланади. Шу боис, уларнинг сифат кўрсаткичлари қурилаётган бино ва иншоотларнинг сейсмик барқарорлиги, мустаҳкамлиги ҳамда эксплуатация давридаги ишончлилигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
*“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.*

Лойиҳаларда кўрсатилгани бўйича объектларда сифат назоратини таъминлаш, бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш юзасидан Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг синов лабораториясида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими ҳудудлардаги қурилиш жараёнлари устидан тизимли назорат ўрнатиб, шаҳарсозлик нормалари, давлат стандартлари ва техник регламентлар талабларига қатъий риоя этилишини таъминламоқда.

Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида 22 та шаҳар ва туманда назорат тадбирлари доирасида 144 та объектдаги кўп қаватли турар жойлар, мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, саноат корхоналари, ишлаб чиқариш объектлари ҳамда бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бино-иншоотларда техник текширув ва лаборатория синовлари ўтказилди. Таҳлилий ўрганишлар давомида иншоотларнинг пойдевори, юк кўтарувчи деворлар, устунлар, темир-бетон конструкциялар, ёпма элементлар ҳамда асосий конструктив қисмларнинг техник ҳолати замонавий ускуналар ёрдамида баҳоланди. Натижада, 96 та объект фойдаланишга яроқли деб топилиб, 21 таси конструктив жиҳатдан кучайтирилиши зарур, 24 таси эса яроқсиз деб баҳоланди. Улардан фойдаланишни чеклаш ва тегишли чораларни кўриш бўйича хулосалар берилди.

Бундан ташқари, синов лабораторияси томонидан бетоннинг мустаҳкамлиги бўйича жами 23 660 та, 359 та ҳолатда арматура намуналарининг механик хусусиятлари, металлнинг чўзилиш даражаси, узилиш чегараси, деформацияга чидамлилиги ҳамда бошқа техник кўрсаткичлари давлат стандартлари ва норматив ҳужжатлар талаби асосида баҳоланди. 306 марта бетон кубиги мустаҳкамлиги, 30 та ҳолатда ғишт намунаси, 41 та ҳолатда эса ғишт билан қоришманинг ёпишиш даражаси махсус лаборатория ускуналари ёрдамида техник регламентлар асосида аниқланди. Номувофиқ материаллар юзасидан буюртмачи, пудрат ташкилотлари ва техник назорат ходимларига қурилиш материалларини алмаштириш ҳамда камчиликларни бартараф этиш ва сифат талабларини тўлиқ бажариш юзасидан тегишли тартибда чоралар кўрилди.

Бундай чора-тадбирлар натижасида қурилиш ишлари бажарилаётган объектларда сифат устидан назорат самарадорлиги янада ошиб, талабга жавоб бермайдиган материаллардан фойдаланишнинг олди олинди. Иншоотлар ишончлилигини таъминлашга хизмат қилувчи профилактик тадбирлар кучайтирилиб, барча ҳудудларда сифат устидан тизимли назорат ишлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

– Лаборатория синовларининг бош мақсади – қурилиш объектларида ишлатилаётган материалларнинг сифатини мукаммал ўрганиб, тасдиқлаш, уларнинг лойиҳада кўрсатилган талабга мослигини аниқлаш ва сифатсизларидан фойдаланишнинг олдини олишдан иборат, – деди Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бошлиғи Баҳодир Назаров. – Шу билан бирга, Президентимизнинг тегишли фармони ижросини таъминлаш мақсадида кўп квартирали уй-жойларнинг техник ҳолатини ўрганиш юзасидан ҳам доимий равишда мониторинг тадбирлари ўтказиляпти. Мисол учун, Олмалиқ шаҳрида фаолият юритаётган “Сиҳат-саломатлик строй” МЧЖ бошқарув сервис компаниясида кўп квартирали уй-жой фондига хизмат кўрсатиш сифати, иссиқлик тизимларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ва бошқарув фаолиятининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги мониторинг қилинганда уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари талаб даражасида ташкил этилмагани, ертўлалардаги аҳвол ҳамда кўп квартирали уйларни бошқариш қоидалари қўпол равишда бузилгани билан боғлиқ бир қатор камчиликлар аниқланди.

Шунингдек, Оҳангарон туманида реконструкция қилинаётган умумтаълим мактаби объектида олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифати, лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлиги, фойдаланилаётган материаллар ва қурилиш жараёни амалдаги меъёрларга мос келиши таҳлил қилинди. Ўрганиш жараёнида янги ўқув биносида лойиҳа бўйича СГ-1 арматура сеткалари ўрнатилмагани, парапет деворларида гидроизоляция ишлари бажарилмагани, қурилиш майдонида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига тўлиқ риоя этилмагани, реконструкция қилинаётган мавжуд ўқув биноси деворларида эски сувоқ қатлами тўлиқ тозаланмагани аниқланди. Бу бўйича масъулларга лойиҳа талабларидан четга чиқилган ишларни қайта бажариш, нуқсонларни бартараф этиш ҳамда қурилиш ишларини амалдаги меъёрлар ва техник регламентлар асосида давом эттириш бўйича топшириқлар берилди. Ҳозирда ҳам ҳудудларда барпо этилаётган ва реконструкция қилинаётган ижтимоий соҳа объектларида қурилиш сифати устидан назорат тадбирлари изчил давом эттирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, шаҳарсозлик талабларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этишни таъминлаш учун келгусида лаборатория ҳажмини кенгайтириб, замонавий синов ускуналаридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш сифатини янада такомиллаштириш, буюртмачи ҳамда пудрат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, қурилиш сифати устидан назоратни рақамлаштириш ва мониторинг тизимларини такомиллаштириш каби устувор вазифаларни амалга ошириш белгиланган.

# Янги талаблар шаффофликни таъминлайди

Эндиликда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рухсат олиш ишлари аниқ белгиланган талаблар асосида қабул қилинади. Бу жараённи рақамлаштириш орқали тадбиркор ва фуқаролар учун янада қулай имкониятлар яратилмоқда. Янги тартиб қандай ишлайди? Рақамли тизим бу жараённи қай даражада енгиллаштиради?

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,**
*“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.*



Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рухсат олишда айрим аризаларнинг рад этилиши сўнгги пайтларда жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Бироқ, мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар бир қарор белгиланган маъмурий регламент ва қонунчилик талаблари асосида қабул қилинади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан тадбиркорларга бир қанча қулайликлар яратиш мақсадида қурилишга рухсат бериш тартиб тамойиллари бир қанча енгиллаштирилди. Давлат интерактив хизматлар порталининг ўзида ариза юбориш жараёнида камчиликлар аниқланганда тавсия бериш жараёни механизми, шунингдек, ҳудудий инспекцияга келиб тушган аризаларда, аниқланган камчиликлар юзасидан қайта таҳрирлаш механизми жорий қилинди. Мазкур механизм давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқлар асосида бажарилиб, қурилиш соҳасидаги аризаларнинг кўп қисми рад бўлишини олдини олиш мақсадида бу механизм яратилди.

Аризалар давлат хизматлари марказлари ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда қабул қилиниб, ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилади. Илгари бундай вазиятда фуқаро ёки тадбиркор барча жараённи бошидан бошлаб, янги ариза топширишига тўғри келар эди. Бу эса ортиқча вақт ва харажатларга сабаб бўларди. Эндиликда эса рақамли ечимлар жараённи анча енгиллаштирмоқда. Янги тазим ариза юбориш жараёнинг ўзида ҳужжатларни автоматик текширади.

Илгари инспекция қайта таҳрирлашга жўнатмас эдик. Инспекция томонидан аниқланган камчиликлар билан ариза рад бўларди ва у яна буюртмачи ёки аризачи қайта ариза бериши орқали давлат хизматлари марказига борган ҳолда, ариза юборилиши керак эди. Эндиликда қайта таҳрир механизми билан бунга чек қўйилди. Тадбиркор реал вақт режимининг ўзида, бир неча дақиқада ўз аризасини қайта таҳрирлаб, инспекцияга жўнатиши мумкин.

Шу билан бирга, айрим техник камчиликлар аниқланганда, ариза дарҳол рад этилмайди. Инспекция уни қайта таҳрирлаш учун қайтаради ва мурожаат этувчига камчиликларини бартараф этиш учун 10 кунлик муддат берилади. Тузатилган ҳужжатлар яна уч иш куни ичида қайта кўриб чиқилади ва қонунчиликка мувофиқ, бундай имконият уч мартагача тақдим этилади.

Мутахассисларга кўра, бу янгиликлар қурилиш соҳасидаги инсон омилини камайтириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ҳамда тадбиркорлар учун янада қулай ва шаффоф муҳит яратишга хизмат қилади.

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

# Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

## Порлоқ келажакка шаҳдам одим билан

**Анъанага кўра, “Тадбиркорлар куни” муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Президент фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ, юртимизда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиёти ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича салмоқли натижаларга эришиб келаётган, шунингдек, ижтимоий ҳаётда фаол иштироки учун Самарқанд вилоятидаги “Azia metall prof” МЧЖнинг ривожлантириш ва инновация масалалари бўйича директори Одилжон Болтаев “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвонига сазовор бўлди.**

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
*“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.*

“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” тамойилига асосланган бу қувончли воқеадан хабар топган корхона меҳнат аҳли, ҳамкасблар, қолаверса, барча самарқандликлар бугун Одилжон Олимжоновични юксак мукофот билан билан самимий табриклаш, янги ижодий ютуқлар тилаш мақсадида унинг ҳузурига ошиқяптилар.

Зеро, самарали меҳнатнинг эътироф этилиши билан йўғирилган ҳар қандай мукофот энг аввало, катта ишонч ва мислсиз масъулият эканлигини англаш ҳеч кимга сир эмас.

– Ушбу эътироф нафақат менга, балки жамоамиз фаолиятига берилган баҳодир, – деди Одилжон Болтаев. – У бизни келгусида янада ғайрат ва шижоат билан ишлашга даъват этади, албатта. Юртимиз равнақи, ҳудудлар ривожи ва аҳоли фаровонлиги йўлида меҳнат қилишда давом этамиз.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда Самарқанд вилоятида саноат корхоналарининг модернизация қилиниши ишлаб чиқариш хажмини ошириб, маҳсулот турлари кўпайиши ва қатор иш ўринлари яратилишига имкон бермоқда. Янгидан янги корхоналарнинг фойдаланишга топширилишини эса қурувчилар меҳнатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кўҳна шаҳарнинг Дарғом каналига яқин, аммо ташландиқ ҳолатга келиб қолган қатор ҳудудлар бўлардики, бу жойларда бир ҳовуч сув анқонинг уруғи эди. Ачинарлиси, бундай манзилларнинг аксари чиқиндихонага айланганди. Бу ҳудудлар бугун обод гўшаларга айланаётгани, ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирар даражадаги саноат корхоналарининг бунёд этилаётгани, улар атрофи боғ-роғларга бурканган кувончли ҳолдир. Шундай корхоналардан бири – Хишрав массивида қурилиб, фойдаланишга топширилган Самарқанд металлургия заводидир. Унинг замонавий цехларида юзлаб ишчи мутахассис меҳнат қилмоқда. Бу – “Azia metall prof ” МЧЖдир.

– Қисқа вақтда бир неча лойиҳани амалга оширишга эришдик, – деди корхона раҳбари Одилжон Болтаев. – Металл ўрамалар ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашни ташкил этиш шундай лойиҳалардан бири эди. Мазкур лойиҳа қиймати 80 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция миқдори 31,5 миллион АҚШ долларидан иборат бўлди. Бундан ташқари, корхона томонидан ўрамали металлдан турли ўлчамдаги металл қувурлар ва профиллар ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам амалда ўзини оқлади. Лойиҳанинг умумий қиймати, 4,3 миллион АҚШ долларига тенг. Шунингдек, ўрамали металлдан турли қалинликдаги рух ва полимер билан қопланган тунука маҳсулотлари, пўлат қоришмалардан турли қалинлик ва кенгликдаги ўрамали металл маҳсулотлари, темир рудасидан металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби лойиҳалар устида ҳам иш олиб борилди.



Булардан ташқари, корхонамизда пўлат эритиш ва қора металл ишлаб чиқариш лойиҳасини ҳам амалга татбиқ этишга улгурдик. Унинг лойиҳа қиймати 184 миллион АҚШ долларидан иборат бўлиб, 62,76 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хориж инвестицияси жалб этилди. 15 миллион АҚШ доллари корхонанинг ўз маблағи ҳисобидан сарфланди. 25 миллион АҚШ доллари эса таъминотчи кредит маблағидан қопланди. 81 миллион АҚШ доллари банк кредитига тўғри келди. Дастлаб, шу мақсадда банк муассасасидан 25 миллион АҚШ доллари миқдорида қисқа муддатли кредит ажратилди. Қолган 56 миллионлик кредитга эгалик қилиш жараёни эса босқичма-босқич амалга оширилди.

Корхона раҳбарининг маълумотига қараганда, ушбу лойиҳа асосида 600 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу, 6 триллион 510 миллиард сўмни ташкил этади. Маҳсулотнинг 50 миллион АҚШ долларига тенг қисми экспорт қилинган ва 400 та янги иш ўрни очилган.

Бир вақтлар 2 гектар майдонда 20 нафар ишчи билан фаолиятини бошлаган Самарқанд металлургия заводи номини олган ушбу корхонада ҳозирги кунгача 970 та янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб боряпти. Хитойлик тадбиркорлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги ҳам бу борада яхши самара бермоқда. Хитойлик ҳамкорлар билан ишлашнинг бизнес оламида ўз ўрни бор. Шу боис, айни пайтда улар билан учта янги лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида яна 1000 кишилик янги иш ўрни яратилади. Шуни ҳам айтиш ўринлики, заводнинг экспорт салоҳияти йил сайин ошиб, 2021 йилда хорижга 25 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатилган эди. Ўтган йили эса экспорт ҳажми 63 миллион АҚШ долларига етказилди. 2023 йилда самарқандлик металчи тадбиркорлар бу кўрсаткични 100 миллион АҚШ долларидан оширдилар. Бу йил эса кўрсаткични 150 миллион доллардан ошириш режалаштирилган.

*Порлоқ келажакка шаҳдам одимлаётган корхона янада юксак чўққиларни кўзлаётгани бежиз эмас. Зеро, истеъдодли, тиниб-тинчимас раҳбар бор жойда фақат ютуқларга эришиш, иқтисодни мустаҳкамлаш асосий мақсад бўлиб қолаверади.*



## Шарафли меҳнатнинг муносиб эътирофи

**Инсоннинг ҳаёт йўли, танлаган касби ва эришган ютуқлари замирида, аввало, унинг меҳнатга муносабати, масъулияти ҳамда эл-юрт олдидаги бурчини нечоғли адо этгани намоён бўлади. Айниқса, бунёдкорликдек улкан ва шарафли соҳада фаолият юритаётган мутахассис учун чуқур билим, бой тажриба, ташаббускорлик ҳамда раҳбарлик салоҳияти билан бирга, Ватанга хизмат қилиш туйғуси ҳам муҳим ўрин тутади.**

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,**
*“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.*



Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида жойлашган “426-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма механизмлар колоннаси” масъулияти чекланган жамияти бош директори Муҳсинжон Исаков ана шундай фазилатларни ўзида мужассам этган раҳбарлардан биридир.

1987 йил 11 ноябрда Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида таваллуд топган Муҳсинжон Исаков 2009 йилда Тошкент давлат юридик университетини тамомлаб, ҳуқуқшунослик мутахассислигини эгаллади. Меҳнат фаолиятининг дастлабки йиллари Фарғона вилояти прокуратураси тизимида кечди. Бу ерда меҳнат фаолиятини оддий иш ўрганувчиликдан бошлаб, катта терговчи, прокурор ёрдамчиси, бўлим катта прокурори, катта прокурор, вилоят прокурори ўринбосари ва бўлим бошлиғи каби масъулиятли лавозимларда хизмат қилди. Ушбу фаолият унга чуқур ҳуқуқий билим, таҳлилий фикрлаш кўникмаси, мустаҳкам интизом ҳамда мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш борасида катта тажриба бағишлади.

Прокуратура органларидаги деярли ўн йиллик хизмат Муҳсинжон Исаковнинг касбий дунёқараши ва раҳбарлик фазилатлари шаклланишида муҳим ҳаётий мактаб бўлди. Қонун устуворлиги, тартиб-интизом ва адолат тамойилларига асосланган ушбу амалиёт кейинчалик унинг қурилиш соҳасидаги фаолиятида ҳам ўзининг ижобий самарасини кўрсатди.

2018 йилдан эътиборан у ўз фаолиятини қурилиш тармоғи билан боғлади. “Қурилиш ашё сифат сервис” МЧЖ бош директори сифатида соҳанинг ўзига хос мураккабликларини чуқур ўрганди, ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнларини самарали ташкил этиш, жамоани ягона мақсад атрофида жипслаштириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳамда иш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

2021 йил 4 октябрдан буён, Муҳсинжон Исаков “426-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма механизмлар колоннаси” МЧЖга раҳбарлик қилиб келмоқда. Корхона фаолияти тўғридан-тўғри қурилиш ва бунёдкорлик жараёнлари билан боғлиқлиги раҳбардан юксак масъулият, ташкилотчилик ва техник жараёнларни чуқур англашни талаб этади.

Бугун мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли бунёдкорлик лойиҳалари амалга оширилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан янгиланаётган бир даврда қурилиш соҳаси ходимларининг зиммасидаги масъулият алоҳида аҳамият касб этади. Барпо этилаётган ҳар бир бино ва иншоот, ободонлаштирилаётган ҳудуд ва янгиланаётган инфратузилма ортида фидойи инсонларнинг меҳнати ётади. Муҳсинжон Исаков ҳам ўзининг самарали фаолияти билан ушбу ҳаётий жараёнларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Муҳсинжон Исаков фаолиятининг эътиборга лойиқ жиҳати – турли соҳалардаги амалиётни бир-бири билан уйғунлаштира олганидадир. Ҳуқуқшунос сифатида қонунчилик талабларини чуқур билиши, раҳбар сифатидаги бошқарув маҳорати ва қурилиш соҳасидаги тажрибаси унга бунёдкорлик жараёнларига комплекс ёндашиш имкониятини бермоқда.

Бугун меҳнат фаолияти давомида ўз вазифасига виждонан ёндашиб, қурилиш тармоғини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун Муҳсинжон Исаковнинг хизматлари юксак эътироф этилди. Унга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони билан тақдирланиши – унинг бунёдкорлик йўлидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ва соҳа равнақига қўшган ҳиссаси учун муносиб баҳодир.

Ушбу фахрий унвон, шубҳасиз, нафақат муайян даврдаги фаолиятнинг, балки профессионал масъулият ҳамда касбга бўлган садоқатнинг натижасидир. Зеро, қурувчи меҳнатини улуғлайдиган энг асосий мезон – ортда қолаётган обод манзиллар, одамлар турмушига қулайлик олиб кираётган лойиҳалар ва жамият тараққиётига қўшилган амалий ҳиссадир.

Муҳсинжон Исаковнинг ҳаёт ва меҳнат йўлига назар ташлар эканмиз, бир жиҳат яққол намоён бўлади: у қайси соҳада фаолият юритмасин, ўз зиммасидаги вазифага юксак масъулият билан ёндашишни бош мезон деб билган. Бугун эса унинг касбий маҳорати ва куч-ғайрати бунёдкорликдек шарафли соҳага хизмат қилмоқда.

Юртимизнинг бунёдкорлик салоҳияти юксалиб бораётган ҳозирги даврда ана шундай фидойи, ташаббускор ва масъулиятли мутахассисларнинг меҳнати алоҳида қадрланади. Муҳсинжон Исаковнинг бугунги фаолияти ҳам ўз касбига садоқат, жамоага масъулият ва Ватан равнақига дахлдорлик туйғуси билан изчил давом этмоқда.

*Зеро, раҳбар фаолияти нафақат корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, балки жамоадаги бирдамлик, бажарилаётган ишларнинг сифати ҳамда жамият ривожига қўшилаётган ҳисса билан ўлчанади. Муҳсинжон Исаковнинг ушбу фахрий унвон билан тақдирлангани эса ана шу шарафли меҳнат йўлининг муносиб эътирофи сифатида эътиборга лойиқдир.*

# Медаль марра эмас – янги масъулият демакдир

**Қурилиш – фақат ғишт териш, бинолар қуриш ёки иншоотларни таъмирлаш эмас. Унинг замирида инсон тақдири, меҳнат, масъулият ва энг муҳими, жамият учун фойдали бўлиш истаги мужассам. Баъзан бир инсоннинг касбий йўли ортида бутун бир жамоанинг тақдири, юзлаб оиланинг ризқи ва ҳудуд тараққиётининг муайян қисми акс этади.**

**Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,**
*“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.*

Сурхондарёлик тадбиркор Салоҳиддин Пардаевнинг ҳаёт ва меҳнат йўли ҳам ана шундай мазмунга эга. 1988 йилда Термиз шаҳрида туғилган қаҳрамонимиз дастлаб юридик коллежда таҳсил олган, кейинроқ Термиз давлат университетининг иқтисодиёт йўналишини тамомлаган. Гарчи дипломидаги мутахассислиги иқтисодчи бўлса-да, болаликдан шаклланган қизиқиш уни қурилиш соҳасига етаклади. Бугун у қурилиш соҳасида 17 йиллик тажрибага эга мутахассис ва тадбиркор сифатида нафақат вилоят, балки республикамиз тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.



Қурилиш соҳасига бўлган қизиқишнинг илдизи оиладан бошланган. Тоғасининг катта қурувчи бўлгани ёш Салоҳиддинда ҳам бунёдкорликка ҳавас уйғотган. Кейинчалик бу ҳавас тадбиркорлик ғоясига, ғоя эса катта бир меҳнат мактабига айланди.

### Етти нафардан минг нафаргача – рақамлар ортидаги меҳнат

2009 йилда ташкил этилган “Fayzi Mehriniso Qurilish” хусусий корхонаси дастлаб қурилиш йўналишида иш бошлади. Ўша пайтда катта мақсадлар билан йўлга чиққан жамоа атиги 7-8 нафар ходимдан иборат эди. Бироқ тадбиркорликда энг муҳим мезон – жамоанинг бугунги сони эмас, унинг эртанги мақсадидир.

Йиллар давомида корхона фаолият доирасини кенгайтирди. Қурилиш билан бир қаторда, газоблок, шпаклёвка, турли бўёқлар, мебель ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кичик корхонанинг ишлаб чиқариш ва қурилиш йўналишларини қамраб олган кўп тармоқли тузилмага айланишида Салоҳиддин Пардаевнинг меҳнати ва лидерлик қобилияти муҳим омил бўлди.

Ҳозирги кунда 7-8 нафарлик жамоа 1000 нафардан ортиқ инсонни бирлаштирган. Буни шунчаки статистик рақам сифатида қабул қилиш қийин. Чунки ҳар бир иш ўрни ортида бир оила, бир хонадоннинг даромади, бир инсоннинг келажакка ишончи бор. Шу маънода корхона ўсишини фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, унинг ижтимоий таъсири билан ҳам баҳолаш мумкин.

Корхонанинг бугунги асосий буюртмачиларидан бири – Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ҳисобланади. Салоҳиддин Пардаев бошчилигидаги жамоа томонидан вилоят миқёсидаги кўплаб мактаб ва боғчалар, турар жой объектлари ҳамда “Янги Ўзбекистон” массивларидаги йирик лойиҳалар амалга оширилиб, фойдаланишга топширилган.

Шу маънода, қурилишнинг ҳақиқий қиймати фақат қад ростлаган бино ва иншоотлар билан эмас, улар инсон ҳаётида қандай ўрин эгаллаши билан ўлчанади. Зеро, ҳар бир барпо этилган мактаб – келажак авлод таълими ва тарбияси учун яратилган имконият, ҳар бир бунёд этилган боғча – болаликнинг бахтли ва осойишта кечишига хизмат қилувчи муҳит, замонавий турар жойлар эса инсонларнинг энг эзгу орзуларидан бирини – муносиб ва фаровон ҳаёт кечириш истагини рўёбга чиқаради. Демак, қурувчининг меҳнати пойдевор ва деворлар билан чекланмайди балки у инсонлар ҳаёти, келажаги ва фаровонлигига дахлдор муҳитни барпо этади.

### Медаль марра эмас – янги масъулият демакдир

17 йиллик тадбиркорлик ва меҳнат йўли Салоҳиддин Пардаев учун нафақат тажриба, балки муносиб эътироф ҳам олиб келди. “Тадбиркорлар куни” муносабати билан самарали меҳнати эътироф этилган юртдошлар қаторида унинг ҳам “Шуҳрат” медали билан тақдирлангани бу йўлнинг муносиб баҳоси бўлди.

Бироқ медаль бу ерда якуний нуқта эмас. Аксинча, у янги масъулиятнинг бошланиши. Салоҳиддин Пардаевнинг ўзи ҳам ушбу эътироф унга янада катта куч берганини, энди иш кўламини бир неча баробар оширишни мақсад қилганини таъкидлайди. Айниқса, бугун 1000 нафардан ортиқ инсонни иш билан таъминлаётган жамоа келгусида ушбу кўрсаткични 10 минг нафарга етказишни ният қилмоқда. Бу мақсаднинг ўзиёқ тадбиркорликнинг бир муҳим ҳақиқатини кўрсатади, яъни ҳақиқий муваффақият фақат қанча даромад топилгани билан эмас, қанча инсонга имконият яратилгани билан ҳам ўлчанади.

Шу билан бирга, ҳар қандай катта натижанинг ортида устозлар меҳнати бор. Салоҳиддин Пардаев ўз ҳаётидаги биринчи устоз сифатида отаси Сайдулло Файзиқуловни эътироф этади. Унинг таъкидлашича, инсон ҳаётда қайси йўналишни танламасин, фарзанд учун энг биринчи устоз – отадир. Бу эътироф қаҳрамонимизнинг муваффақияти ортида нафақат шахсий интилиш, балки оилавий тарбия ва устозга бўлган ҳурмат ҳам турганини кўрсатади.

*Фурсатдан фойдаланиб, Салоҳиддин Пардаевни юксак давлат мукофоти – “Шуҳрат” медали билан яна бир бор самимий муборакбод этамиз. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, тадбиркорлик фаолиятида янги марралар ва бунёдкорлик йўлида улкан зафарлар тилаймиз. Энг муҳими, бугунги ютуқлар эртанги катта мақсадларга пойдевор бўлиб, хайрли ташаббуслар ва эзгу ишлари бардавом бўлсин!*

# Эл-юрт хизматига камарбаста тадбиркорлар

**Саидмурод Жўраев раҳбарлик қилаётган “Trust communal” МЧЖнинг қисқа даврда эришган натижалари эътиборга молик. 2022 йил 1 октябрда ташкил этилган жамият 2023 йил 1 июлдан кўп квартирали уйларга бевосита хизмат кўрсата бошлаган. Дастлаб, 24 та уйга хизмат кўрсатган корхона бугун 153 та уйни қамраб олган. Айни пайтда жамият Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт, Учтепа, Сергели, Яккасарой, Яшнобод ва Юнусобод туманларида фаолият юритиб, тахминан 15 минг 300 та хонадонга хизмат кўрсатмоқда.**



Хизмат кўрсатилаётган уйларнинг техник ҳолатини барқарор сақлаш, электр, сув ва канализация тармоқлари, насослар, қувурлар, ёритиш тизимлари ҳамда лифтларни назорат қилиш жамият фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Аниқланган носозликларни тезкор бартараф этиш, жорий ва аварияви таъмирлаш ишларини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, аҳоли учун 20 та болалар ва спорт майдончасини сақлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугун “Trust communal”да 100 нафар ходим меҳнат қилади. Тозалаш, сантехника, электр, таъмирлаш, ободонлаштириш ва муҳандислик йўналишларидаги мутахассислардан иборат жамоа аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш йўлида бир мақсад сари меҳнат қилмоқда. Жамиятнинг сув ташувчи автомашина, самосвал, иккита “Damas”, 10 та мотоцикл ва 20 та газон ўриш ускунаси билан таъминлангани эса ишларни тезкор ташкил этиш имконини бермоқда.

Саидмурод Жўраев фаолиятида замонавий ёндашувларга ҳам устувор аҳамият берилади. Хусусан, жамият томонидан 1,2 млрд сўм инвестиция ҳисобига ҳар бири 100 кВт қувватга эга учта қуёш электр станцияси барпо этилди. Умумий қуввати 300 кВт бўлган мазкур станциялар энергия харажатларини камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишга хизмат қилмоқда.

2005 йилда Самарқанд вилояти Педагогика коллежини бошланғич таълим йўналиши бўйича тамомлаган Саидмурод Жўраев раҳбарлик фаолиятида инсонлар билан ишлаш, жамоани бирлаштириш ва меҳнат интизомига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Унинг бошқарувида хизмат кўрсатиш қамровининг бир неча баравар кенгайиши, моддий-техник база мустаҳкамланиши ва янги технологияларнинг жорий этилиши раҳбарлик ёндашувининг амалий натижасидир.

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Саидмурод Жўраевнинг тадбиркорлик ва бошқарув соҳасидаги ташаббуслари муносиб баҳоланиб, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Мазкур эътироф нафақат унинг тадбиркорлик фаоллиги, балки янги иш ўринлари яратиш, замонавий технологияларни жорий этиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва аҳоли манфаатларига қаратилган ташаббусларининг ҳам муносиб баҳоси бўлди.

Зеро, “Trust communal”нинг 24 та уйдан 153 та уйгача бўлган ривожланишида раҳбарнинг ташаббускорлиги билан бир қаторда, жамоанинг самарали меҳнати ҳам мужассам. Бугун компания олтита тумандаги минглаб хонадонга хизмат кўрсатаётгани, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланаётгани унинг барқарор ривожланиш йўлидан бораётганидан далолатдир.

“Фаол тадбиркор” кўкрак нишони эса Саидмурод Жўраев учун эришилган натижаларнинг якуни эмас, балки янги вазифалар сари рағбатдир. Олдинда хизмат қамровини кенгайтириш, аҳоли учун янада қулай шароит яратиш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва замонавий ечимларни кўпайтиришдек муҳим мақсадлар турибди.

**Жамият тараққиёти, аввало, ўз ишига сидқидилдан ёндашадиган, ташаббус ва ғайрат билан меҳнат қиладиган инсонлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қурилиш ва бунёдкорлик ишларида иштирок этиш орқали юрт иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшаётган фидойи инсонлар меҳнати алоҳида эътирофга лойиқ.**

Отабек Раҳимов ана шундай ташаббускор ва изланувчан ёш тадбиркорлардан. Унинг фаолияти давомида соҳага бўлган қизиқиши, раҳбарлик салоҳияти ва бунёдкорлик йўналишидаги амалий ташаббуслари изчил шаклланиб, бугун салмоқли натижаларга айланмоқда.

1993 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган Отабек Раҳимов 2012 йилда Биринчи Тошкент юридик коллежини хўжалик-ҳуқуқий фаолият йўналиши бўйича тамомлаган. Олган ҳуқуқий билимлари тадбиркорлик фаолиятини қонуний асосда ташкил этиш, масъулият билан қарор қабул қилиш ва бошқарув жараёнларига тизимли ёндашишида муҳим пойдевор бўлди. У меҳнат фаолиятини 2018 йилда “Ижод Бинокор” МЧЖ раҳбари сифатида бошлаб, қурилиш соҳасида дастлабки амалий тажрибасини тўплади. Кейинчалик “Арт Глосс Галлери” МЧЖ ҚКда савдо ишлари менежери, айни пайтда эса раҳбар сифатида фаолият юритиб, бизнесни ташкил этиш, бозор талабини ўрганиш, мижозлар билан ишлаш ҳамда бошқарувнинг замонавий усулларини амалиётда қўллаш борасида катта тажриба орттирди.

2023 йилдан “Ижод Ижод” хусусий корхонасига раҳбарлик қилиб келаётган Отабек Раҳимов “Ижод Юксалиш” хусусий корхонаси фаолиятини ҳам бошқариб, тадбиркорлик кўламини янада кенгайтирди. У бошқараётган корхоналар фаолиятида қурилиш, монтаж, бадиий безак ва ишлаб чиқариш йўналишлари муҳим ўрин эгаллайди.

Отабек Раҳимов бошчилигида амалга оширилган ишлар мамлакатимиздаги қатор муҳим ижтимоий, маданий ва меъморий объектларнинг барпо этилишига муносиб ҳисса қўшди. Сурхондарё вилоятидаги “Султон Саодат” мажмуаси, Тошкент шаҳридаги “Ҳазрати Имом” меъморий мажмуаси, “Tashkent City”, “Эшонзодалар сағанаси”, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳудудидаги фаввора қурилиши, “Кўксарой” мажмуаси фасад ишлари ҳамда Республика Болалар кутубхонасидаги бадиий безак ишлари шулар жумласидандир.

Тарихий ва меъморий аҳамиятга эга бундай иншоотлардаги бунёдкорлик ҳамда безак ишлари нафақат юксак касбий маҳоратни, балки миллий меъморчилик анъаналарига эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ҳам талаб этади. Айни пайтда Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги Ҳунармандлар марказида маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш ва меҳмонхона объектларида қурилиш-монтаж ҳамда бадиий безак ишлари олиб борилмоқда. Булар тадбиркорнинг амалий имкониятларини янада кенгайтириб, янги йўналишларни ўзлаштиришга интилаётганидан далолат беради.

Отабек Раҳимов фаолиятида ишлаб чиқариш йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг ташаббуси билан тарихий ва меъморий объектлар талабларига мос, халқаро стандартларга жавоб берувчи ҳамда тегишли сертификатларга эга керамик плиткалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани эътиборли. Маҳсулотларни ички бозордан ташқари қўшни Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилиш йўлга қўйилгани фаолиятнинг ташқи бозорга чиқиб бораётганини кўрсатади.

Тадбиркорликнинг энг муҳим ижтимоий аҳамияти эса янги иш ўринлари яратишда намоён бўлади. Бугун Отабек Раҳимов бошқарувидаги корхоналарда 100 га яқин инсон меҳнат қилиб, ўз оиласи ризқ-рўзини бунёд этмоқда. Бу рақам ортида юзлаб инсоннинг меҳнати ва келажакка бўлган ишончи мужассам. Келгусида иш ўринлари сонини янада кўпайтириш мақсади эса тадбиркорнинг ижтимоий масъулияти юксак эканини англатади.

Отабек Раҳимовнинг жамоат ишларидаги иштироки ҳам унинг фаол фуқаролик позициясини кўрсатади. У ўзи истиқомат қиладиган Иброҳим ота маҳалласида янгидан барпо этилган “Иброҳим ота” жоме масжиди қурилишида фаол қатнашган. Шунингдек, маҳалладаги жамоатчилик тадбирларида оиласи билан биргаликда иштирок этиб, маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда.

Зеро, ҳақиқий тадбиркорлик фақат даромад олиш эмас, балки жамият олдидаги масъулиятни ҳис этиш, янги иш ўринлари яратиш ва юрт тараққиётига ҳисса қўшишдир. Қурилиш ва бадиий безак ишларидан тортиб, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишгача бўлган йўналишларда фаолият юритаётган Отабек Раҳимов янги экспорт шартномаларини йўлга қўйиш устида ҳам изланмоқда.



Мустақиллик тантаналари арафасида унинг меҳнати ва ташаббуслари муносиб баҳоланиб, Президентимизнинг Фармойиши билан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу эътироф унинг тадбиркорликдаги фаоллиги, янги лойиҳаларга ташаббускорлиги ва иқтисодиёт ривожига қўшаётган ҳиссасининг муносиб баҳосидир.

*Бугун Отабек Раҳимов ғайрат-шижоати ва янгиликка интилиши билан бунёдкорлик жараёнларининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Унинг фаолиятида тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ва ижтимоий масъулият уйғунлашган. Ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур эътироф унга янги марралар сари интилиш, қурилиш, ишлаб чиқариш ва экспорт йўналишларида янада катта натижаларга эришиш учун муносиб рағбат бўлиб хизмат қилади.*

---

**Тадбиркор – тараққиёт таянчи, деган гап бежизга айтилмаган. Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, шаҳар ва туманлар қиёфасининг Янги Ўзбекистонга мос равишда шаклланаётганида тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта. Президентимизнинг соҳага йўналтирилган фармон ва қарорлари, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир бошқа кўплаб дастурлар Азат Шимбергеновни ҳам шу соҳа ортидан эл-юрт хизматига камарбаста бўлишга ундади.**



Азат Шимбергенов “Nukus evro stroy” МЧЖни ташкил қилиб, дастлаб Нукус шаҳридаги учта объектни қуриб битказди. Кейинчалик Оролбўйи минтақаси туманларидан кўплаб буюртмаларни бажарди. Тадбиркор бунёдкорлик ишларига кўпроқ ёшларни жалб этиш ва уларни касбга йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қаратаётгани эътирофга сазовор. Унинг ташаббуси билан Нукус қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи билан истиқболли шартнома тузилган. Ҳар йили битирувчилардан 20 нафари ишга қабул қилиниб, тажрибали қурувчиларга бириктирилган. Шунингдек, ўқувчилар амалиётни ҳам шу корхонада ўташади.

Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларида касб маҳорати оширилиб келган тадбиркор уларни амалда қўллашга ҳаракат қилаётгани бугунги кунда яхши натижа бермоқда. Жумладан, у фақат иншоотлар қуриш билан чекланиб қолмасдан, объектлар учун зарур бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Янги ташкил қилинган цехда дастлаб фақат шпатлёвка тайёрланган бўлса, айни пайтда бу ерда 20 турдан ортиқ зарур материал корхона ёрлиғи орқали қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда. Маҳаллий хомашёлардан тайёрланаётган материаллар сифатлилиги баробарида, четдан келтириладиган импорт ўрнини босяпти.

– Ишлаб чиқаришга йўналтирилаётган лойиҳалар яхши натижа бермоқда, – деди Азат Шимбергенов. – Ҳозирги кунда корхонамизда 160 нафар доимий ва 70 нафардан ортиқ мавсумий ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларга етарли шароитлар яратиб берилаётгани туфайли ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам шунга лойиқ бўляпти. Мисол учун, кейинги уч йилда ишчиларнинг ҳаракати туфайли корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми 69,06 миллиард сўмни ташкил қилиб, белгиланган режа 136 фоизга етди. Айни пайтда фаолиятимизни янада кенгайтириш ва иш ўринларини яратиш мақсадида Нукус шаҳрининг жанубий саноат зонасида махсус цех ташкил этдик.

Ташаббускор тадбиркор жамоат ва хайрия ишларида ҳам бошқаларга ибрат кўрсатмоқда. Ўтган йилларда кам таъминланган, ногирони бор ва боқувчисини йўқотган оилалардан 16 тасининг турар жойини ўз ҳисобидан таъмирлаб берди. Бундан ташқари, 5 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ишчилардан 2 нафарининг фарзандига контракт пулини тўлаб беряпти. Ўқишни битиргач, бу ёшларни иш билан таъминлаш кафолатланган. Байрам ва тадбирларда уларни қўллаб-қувватлашни канда қилмайди. Шаҳар ва туманларда жойлашган Мурувват уйлари ҳамда интернатларга хайрия ишларини амалга ошириб келаётгани ҳам таҳсинга сазовор.

Бугун мана шу ташаббускор, фаол ва меҳнаткаш инсон бир гуруҳ тадбиркорлар қатори “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу эътироф унинг соҳада олиб бораётган қизғин фаолиятига муносиб баҳо бўлди.

– Мукофот – масъулият ҳамдир, – деди биз билан суҳбатда Азат Шимбергенов. – Эндиликда маррани янада кенг олиб, кўпроқ шижоат билан ишлашда давом этамиз.

---

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига мувофиқ, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланган юртдошларимиз орасида Гулистон шаҳридаги “Истиқлол коммунал хизмат таъмир” бошқарув сервис компанияси раҳбари Замира Зулпихарова ҳам бор.**



Замира Зулпихарованинг меҳнат фаолияти коммунал хизмат соҳаси билан узвий боғлиқ. У 1996 йилда Гулистон шаҳар уй-жойдан фойдаланиш бошқармасида дастлаб уста, кейин муҳандис сифатида иш бошлади. 2000–2016 йилларда “Гулистон” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига, 2016-2022 йилларда “Фаровон Абсолют таъмир сервис” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига раҳбарлик қилди. 2021 йилдан буён эса “Истиқлол коммунал хизмат таъмир” бошқарув-сервис компанияси раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

– Гулистон шаҳар уй-жойдан фойдаланиш бошқармасида ишлаган даврим осон кечмаган, – деди биз билан суҳбатда Замира Зулпихарова. – Айниқса, ёш фарзандлари бор аёл учун кўп қаватли уйлар, уларнинг ертўлаларидаги муаммолар, аварияларни бартараф этиш билан боғлиқ ҳолатлар янада кўпроқ масъулият талаб қиларди. Қолаверса, ўша пайтда уй-жойдан фойдаланиш бошқармасида ишлаётган ходимлар орасида ягона аёл эдим. Айрим кўп қаватли уйларнинг ертўлаларида эскирган сув ва канализация қувурлари сабабли тизза баробар, баъзи жойларда эса бир метрга яқин сув тўпланиб қоларди. Ёқимсиз ҳид, чивинлар ва оғир меҳнат шароити ишни янада мураккаблаштирарди. Шундай пайтларда “Бу иш оғир экан, аёл кишига тўғри келмас экан”, дея чекинмадим. Аксинча, ҳар бир қийинчиликни тажриба ва сабоқ сифатида қабул қилдим.

Айни пайтда компания Гулистон шаҳридаги 138 та кўп қаватли уйда жойлашган 5 323 та хонадонга коммунал хизмат кўрсатади. Бу минглаб инсонларнинг кундалик ҳаёти, хонадонларидаги осойишталик ва қулайлиги учун масъуллик дегани. Компанияда жами 43 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Улардан 9 нафари бошқарув ходимлари, 39 нафари муҳандис-техник йўналишда фаолият юритади. Жамоа 509 та кириш йўлаги, 120 та ертўла ҳамда умумий майдони 23 615 квадрат метр бўлган том қисмларига техник хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кейинги йилларда Гулистон шаҳрида ҳам бошқарув-сервис компаниялари фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида кўп қаватли уйларнинг техник ҳолатини яхшилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш ва умумий ҳудудларни ободонлаштиришга эътибор кучайди. Жумладан, “Бўстон” маҳалласидаги 52 та кўп қаватли уйда 2024-2025 йиллар давомида жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 15 та уйнинг кириш йўлаклари таъмирланди, 23 та уйнинг ертўла қисмидаги канализация тармоқлари янгиланиб, 100 миллиметрлик қувурлар ўрнатилди. Ертўлаларда санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида дезинфекция ишлари ҳам бажарилди. Шунингдек, 12 та кўп қаватли уйнинг ичимлик суви тармоқлари таъмирланди, 21 та юмшоқ қопламали уйнинг том қисмида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Уйлар атрофидаги пиёдалар йўлаклари ҳамда кириш қисмларининг 2 100 квадрат метр майдони бетон қоплама билан қопланди. Уй-жойлар атрофида хавфсизлик ва ёритиш шароитини яхшилашга ҳам эътибор қаратилди.

Аҳолига хизмат кўрсатишда тезкорликни таъминлаш мақсадида компанияда 24 соатлик навбатчилик ва диспетчерлик хизмати ташкил этилган. Сўнгги бир йилда аҳолидан тушган 744 дан ортиқ мурожаат ва чақирув ўз вақтида кўриб чиқилиб, юзага келган коммунал муаммолар бартараф этилди. Бу эса соҳада тезкорлик билан бир қаторда масъулият ва аҳоли мурожаатларига эътибор муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Замира опанинг ташаббуси билан кўп қаватли уйлар атрофига 1,3 минг туп терак, 540 туп арча, 360 туп мевали дарахт, шунингдек, 8,4 минг туп мавсумий ва кўп йиллик гул кўчатлари экилди. Пиёдалар йўлакларига 48 та тунги ёритиш чироғи ва 94 та ўриндиқ ўрнатилди. Болалар майдончалари таъмирланиб, аҳоли учун янада файзли ва обод муҳит яратилмоқда.

Замира Зулпихарованинг фаолиятида одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг талаб ва таклифларини ўрганиш, мурожаатларга эътибор қаратиш алоҳида ўрин тутади. У ўзи истиқомат қилаётган маҳалла ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, маҳаллада ўтказиладиган тадбирлар ва ҳашарларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Зеро, раҳбарнинг ҳақиқий баҳоси фақат ҳисоботлардаги рақамлар билан эмас, одамларнинг розилиги ва ишончи билан ўлчанади. Унинг меҳнат фаолиятида эса бу икки мезон – натижа ва инсон манфаати бир-бирини тўлдириб келмоқда.

*Шу маънода, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони Замира Зулпихарованинг меҳнати ва ташаббусларига берилган оддий мукофот эмас. Унда кўп йиллик меҳнатнинг қадри, одамлар ишончининг эътирофи ва аҳолига муносиб шароит яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг муносиб баҳоси мужассам.*

---

**Юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол тадбиркорлардан яна бири – “Шаҳрисабз бунёдкори” МЧЖ раҳбари Хуршид Муртазоевдир.**



Юртбошимизнинг Фармойиши билан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳибига айланган тадбиркор Қашқадарё вилоятида обод ва кўркам манзилларни бунёд этиб, уй-жойга муҳтож кишиларнинг муаммосини ҳал этишга ёрдам бериб келмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини кичик объектларни қуришдан бошлаган жамоа бугунги кунда республикамизнинг кўплаб туман ва шаҳарларидан тушаётган буюртмаларни ҳам бажармоқда.

Корхона ўзининг 14 йиллик фаолияти давомида 300 нафар ёшларни доимий иш билан таъминлаган. Ҳозирги кунда корхона томонидан бир неча турдаги йиғма темир-бетон, бетон, пишиқ ғишт, шебень-қум, асфальт каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиб, истиқболли шартномалар асосида буюртмачиларнинг эҳтиёжи қондирилмоқда. Замонавий техника ва технологиялар қувватидан самарали фойдаланаётган жамоа иқтисодий жиҳатдан янада барқарор ривожланиб, корхона фаолиятини кенгайтириш ва техникалар сотиб олишга интилмоқда. Иқтисодий юксалиш ва тежамкорлик ҳисобидан ҳозирги кунда унинг балансида 60 дан ортиқ махсус техника ва машина механизмлари мавжуд. Охирги уч йил ичида 35 тадан зиёд, қиймати 5 миллион долларлик машина-механизмлар ва қурилиш техникалари сотиб олинди.

Уларнинг кучи билан сўнгги 5 йил оралиғида давлат дастурлари доирасида 2000 километрдан ортиқ халқаро аҳамиятдаги ҳамда ички йўлларни қуриш ва кўприкларни таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Айтайлик, автомобиль йўлларида 2024 йилда 40 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлса, 2025 йилда 49 миллиард 250 миллион сўм, 2026 йилнинг ярим йиллигида эса 31 миллиард 165 миллион сўмлик ишлар бажарилди.

Бундай натижанинг асоси – ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг жалб этилаётганидир. Тадбиркор Хитой Халқ Республикасининг “Ambetter” корхонасидан замонавий техникаларни олиб келгани бугунги кунда яхши натижа бермоқда. Жумладан, умумий қиймати 1 миллион долларга тенг бўлган асфальт-бетон ва бетон ишлаб чиқариш заводларини келтириб, қурилиш-таъмирлаш ишларини ўз муддатида уддалаш билан бирга ўнлаб корхонага шартнома асосида етказиб бермоқда. Яқинда тадбиркорнинг ташаббуси билан умумий қиймати 2 миллион долларлик яна бир темир-бетон ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳа ишга туширилди.

Булардан ташқари, Испаниянинг Барселония шаҳридан 1 миллион евролик темир-бетон маҳсулот ишлаб чиқарувчи ускуна ва 400 минг долларлик ғишт ишлаб чиқариш заводи келтирилиб, ишга туширилди. Мазкур цехларда 30 нафардан ортиқ ёшлар доимий иш билан таъминланган. Иш ҳажми кенгайгани иқтисодий ўсишга ҳам имкон бермоқда. Мисол учун, сўнгги уч йилда 1,8 миллион долларлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Айни пайтда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари ҳамда Қамаши туманида 850 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй-жойларни қуриш ва улар ён-атрофини ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

---

Саҳифани “O‘zbekiston bunyodkori” мухбирлари Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, ва Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ тайёрлашди.

# Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш – замон талаби

*Давоми. Боши ўтган сонда.*



Жорий йилнинг 10 июль куни университет раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан бўлиб ўтган учрашуви университетимиз фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Учрашув давомида Тошкент архитектура-қурилиш университетида Буюк Британия таълим стандартлари асосида йўлга қўйилган интеграциялашган таълим дастурлари, уларнинг дастлабки натижалари, талабалар ва ота-оналар томонидан билдирилаётган қизиқиш, халқаро академик мобиллик имкониятлари ҳамда ушбу тизимни янада кенгайтириш истиқболлари ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан университетимизда амалга оширилаётган ташаббуслар қўллаб-қувватланиб, халқаро таълим дастурлари доирасида замонавий меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда яна тўртта янги таълим йўналиши бўйича талабалар қабулини ташкил этишга рухсат берилди. Шундан сўнг, дизайн, урбанистика, қурилиш муҳандислиги ва қурилиш ҳуқуқи йўналишларига қабул очилди.

Ушбу йўналишларнинг ташкил этилиши мамлакатимизда жадал суръатларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва шаҳарсозлик ишлари, замонавий инфратузилма лойиҳалари ҳамда қурилиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни малакали мутахассислар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дизайн йўналишида талабалар архитектура муҳити, интерьер ва экстерьер дизайни, замонавий материаллар, ранглар уйғунлиги, визуал коммуникация ҳамда рақамли лойиҳалаш технологияларини ўрганадилар. Мазкур йўналиш замонавий фикрлайдиган, креатив ёндашувга эга, бино ва иншоотларнинг нафақат функционал, балки эстетик жиҳатдан мукаммал бўлишини таъминлай оладиган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

Урбанистика йўналиши эса шаҳар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини режалаштириш, яшил ва жамоат ҳудудларини ташкил этиш, экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда “ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш бўйича мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Аҳоли сонининг ўсиши ва шаҳарлашув жараёнларининг жадаллашуви келажак шаҳарларини илмий асосда режалаштира оладиган урбанистларга эҳтиёжни тобора оширмоқда.

Қурилиш муҳандислиги йўналишида бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш, уларнинг мустаҳкамлиги ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш, замонавий қурилиш материаллари, энергия самарадорлиги, рақамли моделлаштириш ва БИМ технологияларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмалар берилади. Мазкур мутахассислар йирик қурилиш ва инфратузилма лойиҳаларини халқаро стандартларга мувофиқ, сифатли ва хавфсиз амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Қурилиш ҳуқуқи эса мамлакатимиз таълим тизими учун долзарб ва истиқболли йўналишлардан биридир. Қурилиш жараёнларида буюртмачи, инвестор, пудратчи, лойиҳачи, назорат органлари ва бошқа иштирокчилар ўртасида мураккаб ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Мазкур йўналишда миллий ва халқаро қурилиш қонунчилиги, инвестиция шартномалари, тендер жараёнлари, мулк ва ер муносабатлари, қурилиш низоларини ҳал этиш ва лойиҳаларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича мутахассислар тайёрланади. Бундай кадрлар қурилиш компаниялари, лойиҳа ташкилотлари, давлат идоралари, юридик фирмалар ва халқаро ташкилотларда самарали фаолият юритиши мумкин.

Мазкур йўналишларнинг очилиши университетимиз фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш билан бирга, архитектура ва қурилиш соҳасидаги таълимни бизнес, ҳуқуқ, ахборот технологиялари, шаҳарсозлик ва дизайн билан узвий боғлаш имконини яратади. Чунки замонавий қурилиш соҳаси эндиликда фақат бино ва иншоот барпо этиш билан чегараланмайди. Бугунги мутахассис иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, технологик ва ижтимоий жараёнларни комплекс тушуниши, замонавий рақамли воситалардан фойдаланиши ва халқаро стандартлар асосида фаолият юрита олиши зарур.

Дастур талабларини муваффақиятли бажарган битирувчиларга Тошкент архитектура-қурилиш университетининг дипломи билан бир қаторда Буюк Британия таълим стандартлари асосида халқаро миқёсда эътироф этиладиган тегишли диплом ва малака ҳужжатларини олиш имконияти яратилади. Шунингдек, талабалар ҳар бир босқич якунида ўзлаштирилган малака даражасини тасдиқловчи халқаро сертификатларга эга бўладилар. Бу эса битирувчиларимизга Ўзбекистонда ва хорижда таълимни давом эттириш, халқаро компанияларда фаолият олиб бориш ҳамда глобал меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун кенг имконият яратади.

Дастурларнинг дастлабки натижалари, талабалар ва ота-оналар томонидан билдирилаётган катта қизиқиш ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан берилган юксак эътибор ва қўллаб-қувватлашдан келиб чиқиб, янги қабул мавсумида мазкур интеграциялашган таълим дастурларига жами 1 000 нафар талабани қабул қилиш режалаштирилган. Қабул жараёнида номзодларнинг билим даражаси, инглиз тилини билиши, мантиқий ва таҳлилий фикрлаш қобилияти, танлаган касбига бўлган қизиқиши ҳамда мотивациясига алоҳида эътибор қаратилади.

Талабалар учун замонавий аудиториялар, электрон таълим платформалари, ахборот-ресурс марказлари, лойиҳа ва компьютер лабораториялари, амалий машғулотлар базалари ҳамда хорижий ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятлари яратилади. Шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, уларни хорижий университетларда стажировкаларга юбориш, дарс жараёнига соҳа мутахассисларини жалб этиш ва талабаларни маҳаллий ҳамда халқаро компаниялардаги амалиёт дастурлари билан қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилади.

Биз Буюк Британия таълим стандартлари асосидаги интеграциялашган дастурларнинг жорий этилишини шунчаки янги таълим шакли сифатида эмас, балки мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти ва келажагига йўналтирилган стратегик сармоя сифатида баҳолаймиз. Бугунги кунда архитектура, қурилиш муҳандислиги, урбанистика, дизайн, қурилиш ҳуқуқи, ахборот хавфсизлиги ва бизнес бошқаруви соҳаларида халқаро даражадаги малакали кадрларга талаб ортиб бормоқда. Айрим йирик лойиҳаларни амалга оширишда хорижий мутахассисларни жалб қилиш зарурати ҳам мавжуд. Халқаро стандартлар асосида билим олган маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш орқали келажакда хориждан малакали кадрларни жалб қилиш эҳтиёжини босқисҳма-босқич камайтириш мумкин.

Энг муҳими, мазкур таълим тизими ёшларимизга ўз Ватанида туриб халқаро даражадаги билим ва малака олиш, замонавий касбларни эгаллаш, дунёнинг нуфузли университетлари билан академик алоқалар ўрнатиш ва келажакда мамлакатимизнинг йирик бунёдкорлик лойиҳаларида фаол иштирок этиш имконини беради. Университетимиз битирувчилари Янги Ўзбекистоннинг замонавий меъморий қиёфасини яратадиган, шаҳарларимизни барқарор ривожлантирадиган, қурилиш жараёнларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлайдиган, соҳадаги ҳуқуқий ва бошқарув масалаларини профессионал ҳал қила оладиган етук мутахассислар бўлиб етишишига ишонамиз.

Давлатимиз раҳбарининг университетимиз фаолиятига билдирган юксак эътибори ва ишончи бизга куч-ғайрат бағишлаш билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди. Ушбу ишончни оқлаш, таълим сифатини янада ошириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ёшларимиз учун замонавий ва муносиб таълим шароитларини яратиш йўлида университетимиз жамоаси барча имкониятларини сафарбар этади.

Ишончим комилки, Тошкент архитектура-қурилиш университетида Буюк Британия таълим стандартлари асосида амалга оширилаётган интеграциялашган таълим дастурлари мамлакатимизда халқаро даражада рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, олий таълим тизимини глобал таълим маконига уйғунлаштириш, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 18 – 20 август саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири **Шерзод Хидоятов,**
Ижро назорати бўлими бошлиғи **Вагиф Мамедов,**
“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ директор ёрдамчиси **Акмалхўжа Баҳромов,**
Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи **Шуҳрат Джуманазаров,**
“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси ҳайдовчиси **Баҳодир Ўктамов,** етакчи муҳандис **Шоҳруҳ Тошпўлатов,** етакчи мутахассис **Равшанбек Баҳромов,** Жанубий филиали муҳандиси **Баҳодир Бобоқулов,** ИЛСК техниги **Азиза Абдураҳимова,** СМО бошлиғи **Нодир Кундибоев,**
“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ тизимли таҳлил, назорат ва хатлар бўлими бошлиғи **Жаҳонгир Жумаев,** Илмий-тадқиқотлар ва инновциялар бўлими бошлиғи **Баҳодир Садиков,** техник бўлим 1-тоифали мутахассиси **Варвара Сой,**
Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош бухгалтери **Шавкатжон Сотволдиев,** Андижон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бош мутахассиси **Одинахон Шокирова,** Хонобод шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Мансур Алимжанов,**
Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси компьютерга техник хизмат кўрсатувчи **Ориф Асадов,**
“Иссиқлик таъминоти” АЖ Қашқадарё вилояти филиали газэлектропайвандчиси **Нуриддин Усанов,** Тошкент вилояти филиали Эксплутация ва қурилиш бўлими энергетик **Умидбек Юлдашев,** Нурафшон шаҳар филиали қозонхона устаси **Энгелс Шерматов,** Янгийўл шаҳар филиали қозонхона устаси **Фурқат Ҳайдаралиев,**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ижро назорати бўлими бош мутахассиси **Гамзат Рўзиев,** Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ҳайдовчиси **Тимур Нажиматдинов,** Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассислари **Элёр Жовлиев, Алибек Қурбонов,**
Сирдарё вилояти Ховос туманидаги “Шоҳзамон таъмирлаш тиклаш хизмат” БСК МЧЖ бош директори **Моҳинур Маҳаммаддиева,** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги “Star Kommunal Service Professional Boshqaruv Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Адолат Абдиқодирова,** Чилонзор туманидаги “Olmazor-Do`stlik” БСК бош директори **Зумрад Арипова,** Яккасарой туманидаги “The-best-Baburstreet” УЖМШ бош директори **Татьяна Журавлева**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Савдога “LOMBARD SVETLANA-KREDIT” МЧЖнинг 2026 йил 17 августдаги 48-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғуланувчи нотариал идоранинг 2026 йил 28 апрель ва 8 июндаги ижро хатларига асосан ундурувга қаратилган, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Авиасозлар-2, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлар номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 4319 | Кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,96 гр., ч/в 2,90 гр. | 3 032 460,00 |
| 2. | 4688 | Серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 2,88 гр., ч/в 1,88 гр. | 2 052 630,00 |
| 3. | 4872 | Цепь мет. пруж. спутан., пр. 585, о/в 1,78 гр., ч/в 1,76 гр; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,60 гр., ч/в 1,48 гр. | 4 366 742,00 |
| 4. | 4915 | Цепь с мет. пруж., пр. 585 о/в 9,23 гр., ч/в 9,21 гр; кольцо погн., грязн., пр. 585, о/в 6,10 гр., ч/в 6,10 гр. | 17 752 070,00 |
| 5. | 5060 | Цепь с мет. пруж., пр. 585, о/в 1,40 гр., ч/в 1,38 гр; браслет с мет. пруж. и с бел. кам., пр. 585, о/в 1,82 гр., ч/в 1,77 гр.; кулон с бел. кам., пр. 585, о/в 1,41 гр., ч/в 1,11 | 4 763 339,96 |
| 6. | 5071 | Кольцо с кр. кам. грязн. погн., пр. 585, о/в 4,64 гр., ч/в 3,44 гр. | 4 794 910,00 |
| 7. | 5075 | Кольцо погн., пр. 585, о/в 2,15 гр., ч/в 2,15 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/а 2,12 гр., ч/в 2,10 гр. | 5 043 094,54 |
| 8. | 5088 | Кольцо, пр. 585, о/в 2,19 гр., ч/в 2,19 гр. | 2 789 231,80 |
| 9. | 5198 | Кольцо обруч., пр. 585, о/в 7,14 гр., ч/в 7,14 гр. | 6 870 460,00 |
| 10. | 5286 | Серьги с бел. кам. несколько кам. нет погн., пр. 585, о/в 4,19 гр., ч/в 3,79 гр. | 5 223 020,00 |
| 11. | 5437 | Серьги, пр. 585 о/в 4,65 гр., ч/в 4,65 гр. | 5 707 820,00 |
| 12. | 5440 | Кольцо с кр.-зел. кам., пр. 585, о/в 15,84 гр., ч/в 15,68 гр. | 13 217 348,48 |
| 13. | 5688 | Браслет с мет. пруж. погн. штамп., пр. 585, о/в 3,70 гр., ч/в 3,68 гр. | 4 143 460,00 |
| 14. | 5701 | Кольцо обруч., пр. 585, о/в 1,67 гр., ч/в 1,67 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,44 гр., ч/в 2,24 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,50 гр., ч/в 2,30 гр. | 7 408 529,96 |
| 15. | 5745 | Кольцо погн., пр. 585, о/в 1,56 гр., ч/в 1,56 гр. | 2 280 010,00 |
| 16. | 5781 | Кольцо деф., пр. 585, о/в 2,29 гр., ч/в 2,29 гр. | 3 234 460,00 |
| 17. | 5399 | Серьги с крас. кам. погн., пр. 585, о/в 4,13 гр., ч/в 3,46 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,85 гр., ч/в 2,45 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 3,64 гр., ч/в 3,30 гр. | 9 321 739,94 |
| 18. | 5400 | Кольцо с бел. и кр. кам., пр. 585, о/в 4,19 гр., ч/в 3,75 гр. | 2 720 770,00 |
| 19. | 5458 | Кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 1,43 гр., ч/в 1,13 гр. | 1 100 124,00 |
| 20. | 5480 | Серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 4,39 гр., ч/в 4,19 гр. | 4 511 370,00 |
| 21. | 5548 | Кольцо погн., пр. 585, о/в 3,37 гр., ч/в 3,37 гр. | 3 996 763,60 |
| 22. | 5714 | Кольцо с бел. кам. погн. паян. слом., пр. 585, о/в 4,32 гр., ч/в 4,00 гр.; кольцо обруч., пр. 585, о/в 4,18 гр., ч/в 4,18 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 2,25 гр., ч/в 2,25 гр. | 13 548 214,22 |
| 23. | 23 | Серьга 1 шт. с бел. кам., пр. 585, о/в 1,43 гр., ч/в 1,41 гр. | 2 149 110,00 |
| 24. | 52 | Кольцо с бел. и желт. кам., пр. 585, о/в 7,32 гр., ч/в 6,70 гр.; цепь с мет. пруж., пр. 585, о/в 3,32 гр., ч/в 3,30 гр. | 13 682 170,00 |
| 25. | 145 | Кольцо с бел. кам., 1-го кам. нет погн., пр. 585, о/в 1,76 гр., ч/в 1,40 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,70 гр., ч/в 1,60 гр.; кольцо с бел. кам., погн., пр. 585, о/в 1,92 гр., ч/в 1,80 гр.; цепь мет. пруж. зв. деф. погн. штамп., пр. 585, о/в 4,34 гр., ч/в 4,32 гр. | 12 856 739,94 |
| 26. | 375 | Перстень погн., пр. 585, о/в 7,60 гр., ч/в 7,60 гр. | 8 981 760,00 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **165 548 348,44** |

Аукцион савдолари **2026 йил 22 сентябрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2026 йил 18 сентябрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2026 йил 22 сентябрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 6, 20 октябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш кун аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб сайт:** www.rmm.uz.

001805 рақамли гувоҳнома.

## “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Қўқон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 17 февралдаги 4-1502-2501/1018-сонли ажримига асосан банкрот, деб эътироф этилган “Sharafli Fazilat” МЧЖ суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 14 августдаги 281-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги кўчмас мулк электрон-онлайн савдога қўйилмоқда:**

Фарғона вилояти Қўқон шаҳри, “Давронбек” МФЙ, Шоҳруҳобод кўчаси, 39/16-уй манзилида жойлашган “Sharafli Fazilat” МЧЖга тегишли **умумий майдони** – 27,00 квадрат метр, **умумий фойдали майдони** – 24,89 квадрат метр, **ер участкасининг кадастр рақами:** 15:16:41:02:01:0323/0038, **савдо мажмуаси кадастр рақами:** 15:16:41:02:01:01094/0037 бўлган савдо марказининг 1-қаватидаги 52-сонли савдо дўкони. **Бошланғич баҳоси** – 213 206 000,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 21 сентябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 18 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 21 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

**Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим:** 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

**Телефон:** 90-586-44-72, 97-502-44-72, 90-407-07-62.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

**Таҳрир ҳайъати:**
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
“ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефонлар:**
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 841.
1261 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – Топширилди – 01.10.